

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИЛИШИНING МУҲИМ АСОСЛАРИДАН БИРИ

Бугунги кунда коррупция ва манфаатлар тўқнашуви муаммосига жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатада дуч келиш мумкин. Бу иллатлар мамлакатларнинг самарали ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қилади. Шу муносабат билан коррупция ва манфаатлар тўқнашувига қарши курашиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш Ўзбекистонда давлат хизмати тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишига айланди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бу борадаги фаолиятнинг аниқ ҳуқуқий асосларини, коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш механизмларини, жумладан, ушбу вазифалар учун масъул органлар тизимини белгилаб берувчи қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Умуман олганда, мамлакатимизда қонунчилик базаси сезиларли даражада такомиллаштирилди, бундан ташқари, давлат органлари фаолиятида очиқлик ва жавобгарликни таъминлашга қаратилган бир қатор муҳим қонун ва ҳужжатлар қабул қилинди.

Жорий йилнинг 5-июнь куни Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниб, унда асосий эътибор давлат органлари ва давлат ташкилотлари ходимлари фаолияти билан боғлиқ манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва тартибга солиш механизмларига қаратилган. “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонун, биринчи навбатда, коррупцион ҳолатларни юзага келтирувчи манфаатлар тўқнашуви соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Қонунда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат эканлиги белгилаб қўйилган: қонунийлик, фуқаролар, ташкилотлар, жамият ва давлат қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик, объективлик, коррупцияга тоқатсизлик.

Манфаатлар тўқнашуви давлат органларида коррупция ҳолатларининг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат эса манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини камайтириш ва мамлакатда коррупцияга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга хизмат қилади.

Манфаатлар тўқнашуви тақиқланганига қарамай, кўпинча ижтимоий тармоқларда сиз жамоатчиликнинг норозилигига сабаб бўладиган ҳолатларни кўришингиз мумкин эди. Бу борада аввал амалдаги қонунчиликда ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатлар мавжуд эмаслиги, яъни ҳуқуқий асос йўқлиги сабабли, бундай вазиятларни бартараф этишда муаммолар етарли эди. Эндиликда янги қонуннинг қабул қилиниши билан манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўшлиқлар бартараф этилиб, муайян тартибга солиш механизмлари белгиланди.

Қонунга кўра, ходим ўз хизмат вазифаларини ёки мансаб ваколатларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, ўз иш юритувидаги ҳужжатлар бўйича қарор қабул қилингунига қадар ўзининг бевосита раҳбарини ёки махсус бўлинмани хабардор қилиши шарт. Ўзининг бевосита бўйсунувидаги ходимларни ёки бошқа ходимларни бевосита ёки билвосита ўзининг шахсий манфаатларини кўзловчи ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) мажбурламаслиги керак.

Албатта, коррупция ва манфаатлар тўқнашувига қарши кураш ҳар қандай давлат учун қийин вазифа бўлиб, натижа кўпинча унга қандай ёндашувга боғлиқ. Умуман олганда, Ўзбекистонда бу борадаги ҳаракатлар дастури яхши асос ва ҳуқуқий базага эга. Аммо бу коррупцияни йўқ қилиш ёки уни минимал даражага тушириш учун етарли бўлмайди. Бу иллатга қарши курашда давлат ва жамият бирлашгандагина манфаатлар тўқнашуви ва коррупция муаммоларига барҳам бериш мумкин. Бинобарин, биз куч ва салоҳиятимизни ушбу масъулиятли, муросасиз курашга сафарбар қилишимиз лозим. Коррупция ва манфаатлар тўқнашувига қарши курашишда глобал ташаббусларни, янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва уларда фаол иштирок этиш барчамизнинг бурчимиздир.

Р. ГАРАЕВ, “Ўзметкомбинат” АЖ Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари – ижрочи директор